

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДИЛШОДБЕКОВ ШОХБОЗ ДИЛШОДБЕК ЎҒЛИ**

**КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ АСОСИДА МУҲАНДИСЛИК  
ГРАФИКАСИ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(чизма геометрия ва муҳандислик графикаси)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

<b>Дилшодбеков Шохбоз Дилшодбек ўғли</b> Компьютер графикаси асосида муҳандислик графикаси фанларини ўқитишнинг инновацион усули. . . . .	3
<b>Дилшодбеков Шохбоз Дилшодбек ўғли</b> Инновационный метод преподавания дисциплин инженерной графики на основе компьютерной графики. . . . .	23
<b>Dilshodbekov Shokhboz Dilshodbek oqli</b> Innovative method of teaching engineering graphics subjects based on computer graphics . . . . .	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works . . . . .	47

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДИЛШОДБЕКОВ ШОХБОЗ ДИЛШОДБЕК ЎҒЛИ**

**КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ АСОСИДА МУҲАНДИСЛИК  
ГРАФИКАСИ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛИ**

**13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(чизма геометрия ва муҳандислик графикаси)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped507 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Арипов Мирсаид Мирсидикович  
Физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Джуманов Жамолжон Худойкулович  
Техника фанлар доктори, профессор

Туракулов Олим Холбутаевич  
Педагогика фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Жиззах политехника институти

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.13/30.12.2019.T.07.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил « 7 » сентябр соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871)238-65-44; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2628 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871)238-65-44).

Диссертация автореферати 2020 йил « 24 » 11 куни тарқатилди.  
(2020 йил « 23 » 11 даги 8 - рақамли реестр баённомаси).



**И.Х.Сиддиқов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

**Х.Э.Хужаматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.б.ф.д.(PhD), доцент

**Х.Н.Зайниддинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари олий таълим муассасаларида конструкторлик дастурларини ўқитиш самарадорлигига эътибор тобора ортиб бормоқда. Муҳандислик графикаси фанларини ўқитиш технологияси сезиларли даражада ўзгармоқда. Замонавий таълим маконини энг янги дастурий ва мультимедиа график пакетлари ва мажмуалари билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ривожланган мамлакатлар таълим муассасалари ўқув режаларида талабалар компетенцияларига қўйилган асосий талаблардан бири муҳандислик компьютер графикасини эгаллашдир. Шу сабабли бугунги кунда муҳандислик графикаси фанларини ўқитиш жараёнини инновацион таълим технологияларини жорий қилиш орқали такомиллаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида муҳандислик компьютер графикаси таълими соҳасида «Automatic drawing» ва саноат соҳасида «Additive» каби инновацион ёндашувларни амалиётга кенг татбиқ этиш йўналишларида самарали илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда илғор хорижий тажрибалар асосида бўлажак мутахассисларни ижодкорликка чорлаш ва мураккаб буюмларнинг чизмаларини яратишда автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланиш методик тизимини ишлаб чиқишга асосланган таълим муҳитини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга, муҳандислик компьютер графикаси фанини ўқитиш жараёнида замонавий конструкторлик дастурларини ўзаро қиёслаб ўқитиш методикаси, талабаларни мустақил ижодий фаолият, илмий тадқиқотга йўналтириш методикасини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида замонавий автоматлаштирилган конструкторлик дастурларини таълим амалиётига кенг қўламда жорий этишга катта эътибор берилмоқда, Ўзбекистонда таълим тизимига доир ислохотлар доирасида олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида “таълим сифатини яхшилаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнларини жадаллаштириш ва ... ўқитиш усуллари такомиллаштириш”<sup>1</sup> устувор вазифа этиб белгиланган. Таълим сифати, кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда конструкторлик графикаси дастурларининг имкониятларидан фойдаланиб, талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш, муҳандислик компьютер графикаси фанини қиёслаш методикаси асосида ўқитишни такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»даги Фармони ва 2017 йил 27 июлдаги

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. ПФ-5847. 2019 йил 8 октябрь. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

ПҚ-3151-сонли «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Олий таълим муассасаларида таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича бир қатор ишлар олиб борилган. Республикада муҳандислик графикаси фанларини компьютер графикаси асосида ўқитишни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг назарий-методологик, услубий асослари А.К.Хамракулов, С.И.Қулмаматов, К.Х.Мадумаров, Э.И.Рузиев ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида муҳандислик компьютер графикаси фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва ўқитишнинг методик тизимини лойиҳалаш бўйича О.Арефьева, М.Х.Байбаева, Л.П.Бобрик, К.Гребенников, В.Н.Гузненков, Ж.Ж.Джанабаев, С.В.Жилич, Е.Ю.Жохова, В.В.Князиков, В.В.Корешков, А.М.Лейбов, М.Матвеева, Л.Нодельман, Л.В.Павлова, Ю.И.Притула, А.Б.Пузанкова, А.И.Сторожилов, М.Б.Таланова, Е.М.Третьякова, Л.М.Туранова, Т.В.Чемаданова, Т.В.Чернякова ва бошқ. томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Хориж давлатларида муҳандислик компьютер графикаси фани ўқув мазмунини лойиҳалаш, ўқитишни амалга оширишнинг инновацион технологиясини ишлаб чиқиш муаммоларига Z.Zuo, H.A.Gerbekov, F.Liarokapis, B.Neda, T.J.Sexton, S.A.Sorby, H.Stachel ва бошқа олимларнинг илмий ишлари бағишланган.

Олиб борилган изланишлар ва таҳлиллар кўрсатдики, муҳандислик компьютер графикаси фанини ўқитиш муаммолари бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, олий таълим муассасаларида муҳандислик компьютер графикаси фанини ўқитишнинг педагогик ва психологик муаммоларига етарлича эътибор қаратилмаган, конструкторлик графикаси дастурларининг имкониятларидан фойдаланиб, талабаларга муҳандислик компьютер графикаси ўқув фанини қиёсий таҳлил методи асосида ўқитишни такомиллаштириш етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг № А-1-30 рақамли «Миллий тимсоллар ва рамзлар энциклопедиясини нашрга тайёрлаш» (2015-2017 йй) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** компьютер графикаси асосида муҳандислик графикаси фанларини ўқитишнинг инновацион усулидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

компьютер графикаси асосида муҳандислик графикаси фанларини ўқитиш ҳолатини ўрганиш, таҳлил этиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш;

муҳандислик графикаси фанлари қаторидан жой олган муҳандислик компьютер графикаси фанининг мазмунини замонавий конструкторлик дастурларининг имкониятлари асосида такомиллаштириш;

муҳандислик компьютер графикаси фанини инновацион таълим методлари асосида ўқитиш усулини такомиллаштириш;

муҳандислик компьютер графикаси фанидан талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини назорат қилиш жараёнини инновацион тест топшириқлари воситасида такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида муҳандислик графикаси фанини компьютер графикаси асосида ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти ва Жиззах давлат педагогика институтининг 161 нафар талабаси респондент сифатида жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предмети** компьютер графикаси асосида муҳандислик графикаси фанини ўқитишнинг инновацион усули, мазмуни, шакл ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда педагогик, психологик илмий манбалар, Давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва дастурларни танқидий таҳлил қилиш, психологик ва педагогик ўлчовлар, ижтимоий-педагогик (тестлар, анкета сўровномалари, кузатувлар) ва тажриба-синов ишларини ўтказиш ҳамда олинган натижаларни математик ва статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

конструкторлик дастурларининг автоматлаштирилган (чизиш, изометрия ва виртуал моделнинг проекцияларини ҳосил қилиш) имкониятлари муҳандислик компьютер графикаси фанини ўқитиш самарадорлигини белгиловчи компоненталарининг репродуктив, вариатив, қисман изланувчан, креатив ва статистик кўрсаткичларини факторли таҳлил қилиш асосида такомиллаштирилган;

муҳандислик компьютер графикаси фанини ўқитиш методикаси замонавий автоматлаштирилган лойиҳалаш дастурларини (Autodesk

AutoCAD ва Аскон Компас) ўзаро қиёслаш ҳамда дидактик мақсадларини (мотивацион-қадриятли, когнитив-фаолиятли, шахсий-рефлексив) идентив хусусиятларга кўра интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларни илмий тадқиқотга йўналтириш технологияси ҳамда замонавий конструкторлик дастурларини ўзлаштириш кўрсаткичлари мустақил ижод имкониятларини кенгайтириш, касбий-мотивацияли фаолият, яратувчанлик, аналитик ва синтетик тафаккур параметрларига устуворлик бериш орқали такомиллаштирилган;

муҳандислик компьютер графикаси фанидан талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини (юқори, ўрта, паст) назорат қилиш жараёни таянч тушунча, билим, кўникма, малака ва компетенцияларни таълимнинг (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи) мақсадлари ҳамда конструкторлик дастурларининг буйруқларидан фойдаланиш кетма-кетлигини аниқлаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

муҳандислик компьютер графикаси фанини бир неча конструкторлик дастурларидан фойдаланиб ўқитиш технологияси ишлаб чиқилган;

муҳандислик компьютер графикаси фанини конструкторлик дастурларини қиёслаб ўқитиш технологияси бўйича «Муҳандислик компьютер графикаси» номли электрон ўқув қўлланма ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасаларида муҳандислик компьютер графикаси фанининг конструкторлик дастурларини қиёслаб ўқитишга асосланган мазмуни ва таълимий жараёни лойиҳалаштириш технологияси ўқув жараёнига тавсия қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва хорижий давлатлар тадқиқотчилари, шунингдек, амалиётчиларининг ишларига асосланганилгани, республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманлар материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўллангани, олинган натижаларнинг ишончли математик-статистик метод ёрдамида таҳлил қилингани ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасаларида муҳандислик компьютер графикаси фанини ўқитиш учун ажратилган вақтда талабаларга бир неча конструкторлик дастурларининг ўргатилиши, талабаларнинг ўқув фаоллиги, ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида муҳандислик компьютер графикаси фанини ўқитишнинг методик тизими такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тайёрланган мультимедиали электрон ўқув қўлланма, баҳолаш тизими, муҳандислик компьютер графикаси фанини ўқитишда педагогик тажриба-синов натижаларидан олий таълим муассасаларида муҳандислик компьютер графикаси фанини ўқитиш



сифатини ошириш, илм-фан ва таълим-тарбияни ривожлантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Компьютер графикаси асосида муҳандислик графикаси фанларини ўқитишнинг инновацион усули бўйича олинган натижалар асосида:

конструкторлик дастурларининг автоматлаштирилган имкониятлари ҳамда статистик кўрсаткичларни факторли таҳлиliga оид таклифлар тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалавриат таълим йўналиши ўқув дастурлари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 майдаги 89-03-1801-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак мутахассислар томонидан конструкторлик дастурларининг барча замонавий имкониятлари ҳақида маълумот олишларининг замини яратилган;

муҳандислик компьютер графикаси фанини замонавий конструкторлик дастурларини ўзаро қиёслаб ўқитиш усулини қўллаш методикаси ҳамда талабаларни қиёслаш усули ёрдамида илмий тадқиқотга йўналтириш технологиясини такомиллаштиришга оид таклифлар “Чизма геометрия (қисқа курс)” номли ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 майдаги 89-03-1801-сон маълумотномаси). Натижада, талабалар учун муҳандислик компьютер графикаси фани доирасида бир вақтда AutoCAD ва Компас-3D замонавий конструкторлик дастурларини ўзлаштириш имкони яратилган;

талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини (юқори, ўрта, паст) инновацион тест топшириқлари (конструкторлик дастурларининг буйруқларидан фойдаланиш кетма-кетлигини аниқлаш) воситасида назорат қилиш методи А-1-30 рақамли “Миллий тимсоллар ва рамзлар (график тасвир) энциклопедиясини нашрга тайёрлаш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 майдаги 89-03-1801-сон маълумотномаси). Мазкур методик таклиф ва тавсиялар бўлажак мутахассисларни тайёрлашда мослашувчанлик, коммуникативлик, интеллектуаллик, изланувчанлик сифатларини шакллантиришга йўналтирилган ўқув-методик таъминотни такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуман ҳамда семинарида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертациялари асосий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган журналларда 5 та мақола, шундан 2 таси хорижий, 3 таси республика журналларида чоп этилган ва 3та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилингани, эълон қилингани, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Муҳандислик компьютер графикаси фанини ўқитишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида компьютер графикасининг муҳандислик графикасига интеграцияси натижасида муҳандислик компьютер графикаси фани юзага келишининг илмий асослари, муҳандислик графикаси фанларининг тузилиши ва компьютер графикасининг улар билан ўзаро алоқадорлиги, замонавий график дастурлар талабаларнинг фазовий тасаввурини ривожлантириш учун самарали воситалардан эканлиги баён қилинган.

Компьютер технологияларининг имкониятлари жадал суръатлар билан ривожланиши натижасида компьютер графикаси алоҳида фанга айланди ва бу фаннинг асосий мақсади барча соҳаларга интеграциялашув жараёнидир. Муҳандислик графикаси ҳам бундан мустасно эмас. Компьютер графикасининг муҳандислик графикасига интеграциялашуви янги муҳандислик компьютер графикаси фанининг пайдо бўлишига олиб келди. Муҳандислик графикаси фанларининг янгиланган таркиби 1-расмда келтирилган.




**1-расм. Муҳандислик графикаси фанларининг янгиланган таркиби**

Чизма геометрия фанида проекциялаш усуллари, уч ўлчовли объектни проекциялаш асосида икки ўлчовли текис тасвирга алмаштириш, объект проекциялангандан сўнг, унинг проекцияларида геометрик масалаларни ечиш ва шу проекциялари асосида фазовий ҳолатини синтезлаш ўргатилади.

Чизмачилик фанида текисликка ҳажмли объектларни тасвирлаш усуллари, чизма бажариш қоидалари, чизма элементлари, чизмага қўйиладиган талаблар, шартлиликлар ўргатилади. Муҳандислик компьютер графикаси фанида эса, компьютерда электрон чизмалар бажариш, уч ўлчамли виртуал моделлар яратиш ўргатилади.

Муҳандислик компьютер графикаси фани муҳандислик графикаси тайёргарлик тузилмасини бир неча турда ташкиллаштириш имконини берди. Биринчи турида – чизма геометрия, чизмачилик, муҳандислик компьютер графикаси фанлари бир вақтда (параллел) ўқитилади. Иккинчи турида – график тайёргарлик тўлиқ компьютерлаштирилади. Учинчи турида – фанлар кетма-кетликда ўқитилади: чизма геометрия – чизмачилик – муҳандислик компьютер графикаси.

Эндиликда компьютер графикаси муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда дидактик восита ҳамда фан (ўрганиш объекти) сифатида иштирок этмоқда (2-расм). Яъни, чизма геометрия ва чизмачилик фанларини ўқитишда кўрғазмалиликни ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади, муҳандислик компьютер графикаси фанини ўқитишда ўрганиш объекти ҳисобланади. Талабалар муҳандислик компьютер графикаси фанида автоматлаштирилган проекциялаш тизимларидан фойдаланишни ўрганадилар.



**2-расм. Муҳандислик графикаси таълимида компьютер графикасининг ўрни**

Узоқ йиллар давомида муҳандислик графикасининг анъанавий (чизма геометрия ва чизмачилик) фанларини ўқитиш бўйича кўплаб самарали тадқиқотлар олиб борилган. Аммо бугунги кунда ишлаб чиқариш соҳаси талаб қилаётган электрон чизма бажариш ва уч ўлчамли виртуал модел

яратишни назарда тутувчи муҳандислик компьютер графикаси фанини ўқитишга етарлича эътибор қаратилмаяпти.

Муҳандислик компьютер графикаси фанида ўқитиладиган конструкторлик дастурлари асосида чизма геометрия ва чизмачиликнинг барча тушунча ва тамойиллари ётади. Қолаверса, конструкторлик дастурларининг мулоқот ойнасини яратиш вақтида фойдаланувчига хос бўлган фазовий тасаввур элементлари (хаёлда объектни айлантириш, объект атрофида айланиш, узоқ ва яқинлаштириш, катта ва кичиклаштириш, объектларни йиғиш, ажратиш ва б.қ.) инобатга олинган. Бу эса муҳандислик компьютер графикаси фанига комплекс ечим сифатида ўринли қарашлар пайдо бўлишига олиб келади.

Замонавий конструкторлик дастурлари кундан-кунга такомиллашиб, муҳандис вақтини беҳуда сарфланишининг олди олинмоқда. Ҳаттоки, ишлаб чиқаришда аддитив (чизмасиз ишлаб чиқариш) технологиялар қўллаш концепцияси ҳақида фикрлар илгари сурила бошланди. Бу ўз навбатида, олий таълим муассасалари битирувчиларининг муҳандислик-график тайёргарликларида муҳандислик компьютер графикаси фанининг муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Бу йўналишда олиб борилган тадқиқот ишлари таҳлил қилинди. Жумладан, Т.В.Чернякова компьютер графикаси фанини модели ўқитиш методикасини қўллаган ҳолда, ўқитиш методикасининг даражаси, барча таркибий қисмлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, тамойиллари, методлари, восита ва шакллари аниқлаган ва фанни ўқитиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиққан. О.А.Крайнова олий таълим муассасаларида Информатика мутахассислиги учун компьютер графикасини ўқитишнинг методик тизимини лойиҳалашнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиққан. Э.И.Рўзиевнинг илмий-тадқиқот ишида олий таълим муассасаларида «Компьютер графикаси» фанини «Графика» интегратив курси сифатида ўқитиш методикаси ишлаб чиқилган бўлса-да, «Муҳандислик компьютер графикаси» фанини олий таълим муассасаларида конструкторлик дастурларини ўзаро қиёслаб ўқитиш методикасига эътибор қаратилмаган.

Республикамиз олий таълим муассасаларида муҳандислик компьютер графикаси фанини ўқитиш ҳолатларининг таҳлил натижалари:

муҳандислик компьютер графикаси фанининг мазмуни етарли даражада шакллантирилмаганлиги;

муҳандислик компьютер графикаси фани доирасида ўргатиладиган график дастурларнинг замонавий имкониятлари инобатга олинмаганлиги;

электрон чизма бажариш ва уч ўлчамли модель қуриш учун талабаларга фақат AutoCAD дастури ўргатилаётганлиги;

талабаларнинг муҳандислик компьютер графикаси фанидан мустақил ишлари топшириқлари фаннинг моҳиятидан ва график дастурлар имкониятларидан келиб чиқиб тузилмаганлиги кўзга ташланди.

Диссертациянинг «**Муҳандислик компьютер графикаси фанини САД тизими воситасида ўқитишнинг инновацион таълим технологиялари**» деб номланган иккинчи бобида муҳандислик компьютер графикаси фанининг

мазмунни компьютер графикасининг бўлимлари ва конструкторлик, функционал ва технологик тизимлар, уч ўлчамли модель асосида унинг ортогонал проекцияларини автоматлаштирилган тарзда ҳосил қилиш ҳақидаги маълумотларни киритиш билан такомиллаштирилган, муҳандислик компьютер графикаси фанини икки AutoCAD ва Компас-3D конструкторлик дастурлари ўзаро қиёслаш орқали ўқитишнинг инновацион методикаси кўрсатилган, муҳандислик компьютер графикаси фанидан мустақил таълимни ташкиллаштиришда талабаларни илмий тадқиқотга йўналтириш ва уларнинг илмий изланишлари натижаларини мақола шаклида расмийлаштириш ва чоп этиш усуллари баён қилинган.

Замонавий конструкторлик дастурларининг такомиллашиши, имкониятларининг тобора ортиб бориши, шу дастурларни ўқитишга йўналтирилган фан мазмунини қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Бизнинг фикримизча, муҳандислик компьютер графикаси фанида талабаларга етказиладиган маълумотлар уларга йўналиш бериш учун хизмат қилиши керак. Сабаби маълумотнинг кундан-кунга ортиши ва фанга ажратилаётган вақт барчасини талабаларга етказиш имконини чегаралайди.

Муҳандислик компьютер графикаси фанининг анъанавий мазмуни AutoCAD дастурини ўрганишга йўналтирилган. Хаттоки, компьютер графикаси тарихига оид маълумотлар ҳам AutoCAD тарихини тушунтириш учун йўналтирилган. Зеро, ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнида маълум бир конструкторлик дастуридан фойдаланиш бўйича аниқ кўрсатма ва чекловлар ўрнатилмаган. Бу эса битирувчилар ўзларининг келгусидаги касбий фаолиятида турли конструкторлик дастурларига дуч келишлари мумкинлигини англайди.

Муҳандислик компьютер графикаси фанининг такомиллаштирилган мазмуни дедуктив усулда ташкиллаштирилган. Бунда умумий компьютер графикасидан хусусий конструкторлик графикаси ва унинг тизимларига ўтиш жараёни киритилган (3-расмга қаранг). Қолаверса, такомиллаштирилган мазмун таркибидан объектнинг 3D модели асосида унинг ишчи чизмасини автоматик тарзда олиш каби конструкторлик дастурларининг замонавий имконияти ўрин олган.

Биз муҳандислик компьютер графикаси фани бўйича талаба:

компьютер графикасининг тарихини;

компьютер графикаси бўлимларини;

конструкторлик графикаси бўлимини ташкил этувчи тизимлар (CAD, CAM, CAE) ҳақида;

– CAD тизимида ишловчи график дастурлар ва уларнинг ишлаш тамойилларини;

–электрон тасвирнинг форматлари;

– чизма бажариш учун қўлланиладиган ускуналар панелларини;

–буюмнинг фазовий ҳолати асосида унинг чизмасини олиш алгоритмларини билиши керак;

– икки ва уч ўлчамли графика яратиш учун мўлжалланган ускуналар панелини таҳлил қилиш;

- берилган уч ўлчамли деталнинг икки ўлчамли чизмасини чизиш;
- деталнинг икки ўлчамли чизмаси асосида унинг уч ўлчамли моделини куриш;
- текисликда ва фазода геометрик моделларни лойиҳалашнинг оптимал алгоритмларини аниқлаш;
- текислик ва фазода мураккаб чизма ва шаклларни яратиш;
- чизмани тахт қилиш ва чоп этиш кўникмасига эга бўлиши керак;
- мураккаб шаклга эга буюмларни анализ қилиш;
- чизмани қўлда (чизма қуроллари ёрдамида) ва CAD дастури ёрдамида бажаришни таққослаш;
- икки ва ундан ортиқ CAD дастурларини ўзаро таққослаш, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш;
- янги CAD дастурларини мустақил ўзлаштириш малакасига эга бўлиши керак, деб ўйлаймиз.



**3-расм. Муҳандислик компьютер графикасининг дедуктив тузилмаси**

Муҳандислик компьютер графикаси фанида битта эмас, бир нечта конструкторлик дастурини ўқитиш ва талабаларни бўлажак касбий фаолиятида дастурларнинг янги имкониятларини мустақил ўзлаштира олишини таъминлаш учун уларнинг аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув фаолиятини тўғри ташкиллаштириш муҳим. Муҳандислик компьютер графикаси фани учун ажратилган вақтдан унумли фойдаланиш ва шу билан бирга рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг энг мақбул усулларида бири –

бу конструкторлик тизимига тааллуқли бир неча дастурни ўзаро қиёслаб ўқитиш саналади.

Қиёслаш усули янги билимларни фаол ўрганиш йўлларида бири хисобланади, чунки у талабанинг мустақил таълим олиш фаолиятини талаб қилади: қиёслаш учун материал қидириш, деталларни ажратиш.

Ўқитиш методи мураккаб, кўп ўлчовли таълим бўлиб, «соф» методлар мавжуд эмас. Ҳар қандай таълим жараёнида бир вақтнинг ўзида бир неча усуллар қатнашади, бир-бирини тўлдиради ва ўзаро алмаштиради.


Муаллифда муҳандислик компьютер графикаси фанининг маъруза машғулотида қиёслаш ва кўргазмали тушунтириш, амалий машғулотларда қиёслаш, репродуктив ва муаммоли, талабаларнинг мустақил таълим фаолиятларини ташкиллаштиришда эса, қиёслаш ва тадқиқот методларидан фойдаланиш қизиқиш уйғотди (4-расм).

Кўргазмали тушунтириш методи – билим «тайёр» ҳолда таклиф қилинади, педагог билим беришнинг турли усуллари ташкиллаштиради, талабалар маълумотларни қабул қилади ва хотирада сақлайди.

Репродуктив метод – билим «тайёр» ҳолда таклиф қилинади, педагог нафақат билим беради, уларни тушунтиради ҳам, талабалар маълумотларни онгли равишда қабул қилади, маълумотни такрорлаш, қабул қилинишининг мустаҳкамлиги.

Муаммоли ўқитиш методи – педагог муаммони ўрганиш йўлини, унинг ечимини бошидан охиригача тушунтириш орқали кўрсатади. Талабалар кузатувчилар эмас, балки фикрлаш жараёнининг иштирокчилари бўлиб, улар билим олишдаги муаммоларнинг ечимини оладилар.

Тадқиқот методи – педагог талабалар билан бирга муаммони шакллантиради, талабалар муаммони ечиш вақтида билимни мустақил ўзлаштирадилар, таълим жараёни жадаллаштирилган.



4-расм. Муҳандислик компьютер графикасини ўқитиш методлари

Шу пайтга қадар мавжуд таълим тизимида ўқитиш устувор саналган бўлса, айти пайтда жамиятнинг ахборотлашуви даврида устуворлик – ўқишга ўргатишга йўналтирилган. Шу сабабдан таълимнинг ўқитувчи-дарслик-талаба парадигмаси талаба-дарслик-ўқитувчи парадигмаси билан ўрин алмашиши зарурдир. Бу ўз навбатида талабаларни илмий тадқиқотга йўналтиришга имкон беради (5-расм).



5-расм. Талабалар мустақил ишларининг ташкилий-когнитив моҳияти



Илмий тадқиқотга йўналтирилган мустақил таълим технологияси куйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Муаммонинг кўйилиши;
2. Кўйилган муаммо доирасидаги манбаларни кўриб чиқиш;
3. Вазифани бажарилишини режалаштириш;
4. Вазифанинг ечимини моделлаштириш;
5. Натижаларни таҳлил қилиш, хулосалар ва бажарилганлик ҳисоботини тайёрлаш;
6. Берилган муаммо доирасидаги билимларини тизимлаштириш ва умумлаштириш.

Талабалар ўзларининг олиб борган тадқиқотларини мақола кўринишида расмийлаштиришлари уларда илмга бўлган қизиқишни оширади ва мақола ёзиш кўникмасини шакллантиради.

Диссертациянинг «**Муҳандислик компьютер графикаси фанини САД тизими воситасида ўқитиш самарадорлигини аниқлаш**» деб номланган учинчи бобда тажриба-синов ишларини ташкил қилиш, натижаларнинг математик статистик таҳлили ва самарадорлиги ёритилган.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди:

**Биринчи босқич** (2016-2017) йилларда тадқиқот муаммоси моҳиятини ёритишга хизмат қиладиган назарий маълумотлар тўпланди. Таълим жараёнида муҳандислик графикаси фанларини компьютер графикаси асосида ўқитишнинг бугунги ҳолати ва муаммолари бўйича илмий, илмий – оммабоп, адабиётлар, ўқув манбалари мазмуни, мутахассис ўқитувчиларнинг иш тажрибалари, компьютер графикасининг муҳандислик графикаси фанлари қаторига интеграцияси ва улар билан алоқадорлиги ўрганилди ва умумлаштирилди; диссертация ишининг илмий асослари ва моҳияти белгилаб олинди; дастурларни ўзаро қиёслаб ўқитиш воситасида талабаларнинг фанга қизиқишини орттириш ва уларнинг мустақил тадқиқот олиб бориш жараёнини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилди.

**Иккинчи босқичда** (2018-2019) йилларда тажриба – синов майдонлари сифатида белгиланган ОТМларда муҳандислик компьютер графикаси фанини ўқитишда замонавий конструкторлик графикаси дастурларини ўзаро қиёслаш орқали талабалар билим ва кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари синовдан ўтказилди.

**Учинчи босқичда** (2020) йилда якунловчи тажриба – синов ишлари ўтказилди. ОТМларда муҳандислик компьютер графикаси фанини конструкторлик дастурларини ўзаро қиёслаш методи асосида ўқитиш юзасидан олиб борилган ишлардаги камчиликлар бартараф этилди ва тажриба – синов натижалари математик статистика методлари ёрдамида таҳлил қилинди.

Назарий ва амалий машғулотлар назорат гуруҳида анъанавий, тажриба-синов гуруҳларида эса, конструкторлик дастурларини қиёслаш технологияси асосида ўтказилди.

Тажриба синов ишлари Тошкент давлат педагогика университети (1-жадвалга қаранг), Жиззах давлат педагогика институти (2-жадвалга қаранг) ва Қўқон давлат педагогика институтларида (3-жадвалга қаранг) ўтказилди. Тажриба-синов ва назорат гуруҳларида жами 161 нафар талаба иштирок этдилар. Шундан тажриба-синов гуруҳларида 81 нафар ва назорат гуруҳларида 80 нафар талаба қатнашди.

1-жадвал

### Тошкент давлат педагогика университети талабаларининг тажриба-синов ишлари натижаларига кўра ўзлаштириш даражалари

Таълим муассасаси номи	Ўзлаштириш кўрсаткичи	Тажриба-синов гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
		Тажриба бошида талаба сони	%	Тажриба охирида талаба сони	%	Тажриба бошида талаба сони	%	Тажриба охирида талаба сони	%
Тошкент давлат педагогика университети	Юқори	4	14,3	12	42,9	2	7,4	3	11,1
	Ўрта	9	32,1	10	35,7	11	40,7	11	40,7
	Паст	15	53,6	6	21,4	14	51,9	13	48,1
	<b>Жами</b>	<b>28</b>	<b>100</b>	<b>28</b>	<b>100</b>	<b>27</b>	<b>100</b>	<b>27</b>	<b>100</b>

Тажриба бошида тажриба-синов гуруҳида қатнашган 28 нафар талабадан 4 нафарининг (14,3 %) ўзлаштириш даражаси юқори, 9 нафариники ўрта (32,1 %), 15 нафариники паст (53,6 %) бўлса, тажриба охирига келиб, 12 нафариди (42,9 %) юқори (28,6 % га ошган), 10 нафариди (35,7 %) ўрта (3,6% га ошган) ва 6 нафариди (21,4 %) паст даража (32,2 % га камайган) қайд этилди.

Назорат гуруҳида қатнашган 27 нафар талабанинг ўзлаштириш даражалари тажриба бошида юқори 2 нафар (7,4 %), ўрта 11 нафар (40,7 %), паст 14 нафар (51,9 %)ни ташкил қилган бўлса, тажриба охирига келиб юқори 3 нафар (11,1 %) 3,7 % га, ўрта 11 нафар (40,7 %) 0 % ошган ва паст даража 13 нафар (48,1 %) 3,8 % га камайганини кўрсатди.

2-жадвал

### Жиззах давлат педагогика институти талабаларининг тажриба-синов ишлари натижаларига кўра ўзлаштириш кўрсаткичлари

Таълим муассасалари	Ўзлаштириш кўрсаткичи	Тажриба-синов гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
		Тажриба бошида талаба сони	%	Тажриба охирида талаба сони	%	Тажриба бошида талаба сони	%	Тажриба охирида талаба сони	%
Жиззах давлат педагогика институти	Юқори	2	8,0	8	32,0	2	7,7	2	7,7
	Ўрта	11	44,0	12	48,0	8	30,8	10	38,5
	Паст	12	48,0	5	20,0	16	61,5	14	53,8
	<b>Жами</b>	<b>25</b>	<b>100</b>	<b>25</b>	<b>100</b>	<b>26</b>	<b>100</b>	<b>26</b>	<b>100</b>

Тажриба бошида тажриба-синов гуруҳида қатнашган 25 нафар талабадан 2 нафарининг (8 %) ўзлаштириш даражаси юқори, 11 нафариники ўрта (44,0 %), 12 нафариники паст (48,0 %) бўлса, тажриба охирига келиб, 8 нафарида (32,0 %) юқори (24,0 % га ошган), 12 нафарида (48 %) ўрта (4 % га ошган) ва 5 нафарида (20,0 %) паст даража (28,0 % га камайган) қайд этилди.

Назорат гуруҳида қатнашган 26 нафар талабанинг ўзлаштириш даражалари тажриба бошида юқори 2 нафар (7,7 %), ўрта 8 нафар (30,8 %), паст 16 нафар (61,5 %) ни ташкил қилган бўлса, тажриба охирига келиб юқори 2 нафар (7,7 %) 0,0 % га, ўрта 10 нафар (38,5 %) 7,7 % ошган ва паст даража 14 нафар (53,8 %) 7,7 % га камайганини кўрсатди.

3-жадвал

### Қўқон давлат педагогика институти талабаларининг тажриба-синов ишлари натижаларига кўра ўзлаштириш кўрсаткичлари

Таълим муассасалари	Ўзлаштириш кўрсаткичи	Тажриба-синов гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
		Тажриба бошида талаба сони	%	Тажриба охирида талаба сони	%	Тажриба бошида талаба сони	%	Тажриба охирида талаба сони	%
Қўқон давлат педагогика университети	Юқори	3	10,7	11	39,3	3	11,1	4	14,8
	Ўрта	9	32,1	10	35,7	7	25,9	9	33,3
	Паст	16	57,1	7	25,0	17	63,0	14	51,9
	<b>Жами</b>	<b>28</b>	<b>100</b>	<b>28</b>	<b>100</b>	<b>27</b>	<b>100</b>	<b>27</b>	<b>100</b>

Тажриба бошида тажриба-синов гуруҳида қатнашган 28 нафар талабадан 3 нафарининг (10,7 %) ўзлаштириш даражаси юқори, 9 нафариники ўрта (32,1 %), 16 нафариники паст (57,1 %) бўлса, тажриба охирига келиб, 11 нафарида (39,3 %) юқори (28,6 % га ошган), 10 нафарида (35,7 %) ўрта (3,6% га ошган) ва 7 нафарида (25,0 %) паст даража (32,0 % га камайган) қайд этилди.

Назорат гуруҳида қатнашган 27 нафар талабанинг ўзлаштириш даражалари тажриба бошида юқори 3 нафар (11,1 %), ўрта 7 нафар (25,9 %), паст 17 нафар (63,0 %) ни ташкил қилган бўлса, тажриба охирига келиб юқори 4 нафар (14,8 %) 3,7 % га, ўрта 9 нафар (33,3 %) 7,4 % ошган ва паст даража 14 нафар (51,9 %) 11,1 % га камайганини кўрсатди.


Юқоридаги 1, 2, 3-жадвалларда тажриба-синов ишлари олиб борилган ҳар бир таълим муассасалари талабаларининг ўзлаштириш даражалари ва уларнинг таҳлилларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Шулардан келиб чиқиб, таҳлил натижаларини умумлаштириб, умумий хулосага келиш учун 4-жадвалга эътибор қаратамиз.

### Тажриба-синов ишлари олиб борилган педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг умумий ўзлаштириш кўрсаткичлари

Ўзлаштириш кўрсаткичи	Тажриба-синов гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
	Тажриба бошида талаба сони	%	Тажриба охирида талаба сони	%	Тажриба бошида талаба сони	%	Тажриба охирида талаба сони	%
Юқори	9	11,1	31	38,3	7	8,8	9	11,3
Ўрта	29	35,8	32	39,5	26	32,5	30	37,5
Паст	43	53,1	18	22,2	47	58,8	41	51,3
<b>Хаммаси</b>	<b>81</b>	<b>100</b>	<b>81</b>	<b>100</b>	<b>80</b>	<b>100</b>	<b>80</b>	<b>100</b>

Тажриба – синов гуруҳларида қатнашган 81 нафар талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичлари тажриба бошида, юқори 9 нафар (11,1 %), ўрта 29 нафар (35,8 %), паст 43 нафар (53,1 %) ни ташкил қилган бўлса, тажриба охирига келиб юқори 31 нафар (38,3 %) 27,2 % га, ўрта кўрсаткич 32 нафар (39,5 %) 3,7 % га ошган, паст кўрсаткич 18 нафар (22,2 %) 30,9 % га камайганини кўрсатди (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал



Тадқиқотимиз натижасида, барча тажриба-синов майдончалари сифатида танлаб олинган ОТМ тажриба-синов ишлари ниҳоясида тажриба гуруҳидаги талабаларининг ўзлаштириш кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан 1,16 (16%) юқори кўрсаткичга эга бўлди. Бу эса олиб борилган тадқиқот ишининг самарадор эканлигини кўрсатади.

## ХУЛОСА

1. Университетда таълим жараёни талабаларда компьютер соҳасидаги фундаментал билимларни шакллантириш; лойиҳалаштиришнинг ахборот технологиялари, компьютер дизайни ва графикаси учун дастурлар ва тизимларни, шунингдек, компьютер анимацияси ва график визуализация услубларини ўрганишга асосланган бўлиши керак. Талабалар техник ва ишлаб чиқариш объектларини замонавий компьютер технологияларида лойиҳалашни чуқур ўрганиши, медиа саноати ва дизайн соҳасида дастурий маҳсулотлар ва ахборот комплекслари билан ишлаш кўникмаларини эгаллаш зарур.

2. Инсон фаолиятининг барча соҳаларини компьютерлаштириш, кўп асрлик педагогик технологияларнинг ўзгаришига олиб келди. Ўқитишнинг янги воситалари педагогика фанининг асосий масалаларини: жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида олий таълим тизимида кимлар ўқитилиши, таълим мазмуни қандай бўлиши, олий таълим мутахассис тайёрлаш учун асос сифатида қайси шакл ва усуллардан фойдаланиши кераклигини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди.

3. Кўплаб геометрик ва график тизимлар функционал операторлари ўзининг алгоритмик ва дастурий асосларида чизма геометрия усуллариغا таянади. Уч ўлчовли моделни яратишнинг ҳар қандай усулида моделлаштиришни бошлаш икки ўлчовли контур чизиладиган текисликни танлашдан бошланади. Бу эса чизма геометриянинг классик позицияси масалаларидан ҳисобланади. Шунинг учун талаба ушбу вазифани муваффақиятли бажариши учун чизма геометриянинг тегишли усуллари эгаллаши керак. Бундай мисоллар кўп. Бу эса чизма геометрия курси муҳандислик компьютер графикаси курсини эгаллаш учун назарий асос бўлиб хизмат қилишидан далолат беради. Талаба моделлаштириш жараёнининг физикаси ҳақида тушунчага эга бўлган ҳолда компьютерда ишлаши керак, чунки маҳсулотнинг электрон моделини шакллантиришда хатоларга йўл қўйиш қатъиян ман этилади.

4. Муҳандислик компьютер графикаси фани мавжуд замонавий график дастурлардан фойдаланиб, талабаларга объектнинг электрон чизмасини ва уч ўлчовли виртуал моделини яратиш йўллари ўргатади. Ушбу фан график дастурларни яратишни эмас, балки мавжуд график дастурлардан фойдаланишни ўргатади.

5. CAD дастурлари ёрдамида ўқитиш талаба билан компьютернинг интеллектуал ҳамкорлигига сабаб бўлмоқда. Бунда талабалар компьютер имкониятларини кенгайтиради ва компьютер шу вақтнинг ўзида талабаларнинг фикрлаш қобилияти ва билимларини ривожлантиради. Талаба ва компьютер ўртасидаги бу ҳамкорлик натижасида таълим самарадорлиги ошади.

6. Барча таълим методлари ўзининг кучли ва кучсиз томонларига эга, шунинг учун мақсад, шароит, мавжуд вақтга боғлиқ ҳолда улардан уйғунликда фойдаланиш зарур. Таълим сифати ўқитиш ва тарбия сифатининг йиғиндисидан иборатдир.

7. «Муҳандислик компьютер графикаси» фанини конструкторлик дастурларини қиёслаш асосида ўқитиш талабаларга фанга ажратилган вақт мобайнида иккита конструкторлик дастурини ўзлаштириш, дастурларни ўзаро таққослаш ҳамда уларнинг ютуқ ва камчиликларини мустақил равишда аниқлашда ёрдам беради, талабаларнинг замонавий конструкторлик дастурларини мустақил ўрганиши учун имкон яратади.

8. Тажриба-синов майдончалари сифатида танлаб олинган ОТМ тажриба-синов ишлари ниҳоясида тажриба гуруҳидаги талабаларининг ўзлаштириш кўрсаткичи назорат гуруҳи талабалариникига нисбатан 1,16 баравар (ёки 16% га) юқори эканини кўрсатди. Бу эса олиб борилган тадқиқот ишининг самарадор эканлигидан далолат беради.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ДИЛШОДБЕКОВ ШОХБОЗ ДИЛШОДБЕК УГЛИ**

**ИННОВАЦИОННЫЙ МЕТОД ПРЕПОДАВАНИЯ ДИСЦИПЛИН  
ИНЖЕНЕРНОЙ ГРАФИКИ НА ОСНОВЕ КОМПЬЮТЕРНОЙ  
ГРАФИКИ**

**13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания  
(начертательная геометрия и инженерная графика)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2018.1.PhD/Ped507.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** Арипов Мирсаид Мирсидикович  
доктор физико-математических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Джуманов Жамолжон Худойкулович  
доктор технических наук, профессор

Туракулов Олим Холбутаевич  
доктор педагогических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Джизакский политехнический институт

Защита диссертации состоится «7» сентября 2020 года в 16<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.02 (адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Тимура, дом 108. Тел.: (99871)238-65-44; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (зарегистрирована за №~~2628~~). Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Тимура, дом 108. Тел.: (99871)238-65-44.

Автореферат диссертации разослан «24» ноября 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № Б от 23 ноября 2020 года).



**И.Х.Сиддиков**  
председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор технических наук, профессор

**Х.Э.Хужаматов**  
ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор философии по техническим  
наукам (PhD), доцент

**Х.Н.Зайниддинов**  
председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых  
степеней, доктор технических наук, доцент



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В высших образовательных учреждениях развитых стран мира все больше внимания уделяется эффективности обучения конструкторским программам. Существенно меняется технология преподавания дисциплин инженерной графики. Особое внимание уделяется наполнению современного образовательного пространства новейшими программными и мультимедийными графическими пакетами и комплексами. Также, одним из основных требований к компетенциям студентов в учебных планах образовательных учреждений развитых стран является овладение инженерной компьютерной графикой. Поэтому одной из важных задач на сегодняшний день является совершенствование процесса обучения инженерной графике посредством внедрения инновационных образовательных технологий.

В мировых масштабах проводятся эффективные научные исследования по направлениям широкого внедрения в практику инновационных подходов «Automatic drawing» в области инженерного компьютерно-графического образования и «Additive» в сфере промышленности. Важную роль при этом играет призыв будущих специалистов к творчеству и формирование образовательной среды, основанной на разработке методической системы использования автоматизированных систем при создании чертежей сложных изделий на основе передового зарубежного опыта. Вместе с тем, актуальное значение в процессе преподавания дисциплины «Инженерная компьютерная графика» приобретает разработка методики сравнительного обучения современным компьютерным программам, методики ориентирования студентов на самостоятельную творческую деятельность, научные исследования.

В системе высшего образования нашей страны уделяется большое внимание широкому внедрению в образовательную практику современных автоматизированных конструкторских программ. В рамках реформирования образовательной системы Узбекистана в Концепции развития системы высшего образования до 2030 года в качестве приоритетной определена задача “ускорение процессов изучения и внедрения в практику передового зарубежного опыта, направленного на улучшение образовательного процесса и ... совершенствование методов обучения”<sup>2</sup>. Важными в обеспечении качества образования, конкурентоспособности персонала являются задачи развития творческой активности студентов, используя возможности программ разработки конструкторской графики, совершенствования преподавания инженерной компьютерной графики на основе сравнительной методики.

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан. Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года. №УП-5847. 8 октября 2019 года. Национальная база данных законодательства, 09.10.2019 г., № 06/19/5847/3887.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, постановлениях №ПП-3151 ПҚ-3151-сонли «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием» от 27 июля 2017 года и №ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018 года, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** Проведен ряд работ по внедрению в образовательный процесс современных информационно-коммуникационных технологий и совершенствованию методики преподавания в высших образовательных учреждениях. В нашей республике теоретико-методологические, методические основы развития и совершенствования преподавания дисциплин инженерной графики на основе компьютерной графики исследованы в научных работах А.К.Хамракулова, С.И.Кулмаматова, К.Х.Мадумарова, Э.И.Рузиева и др.

В странах Содружества Независимых Государств научные исследования в области совершенствования методики и программирования методической системы преподавания инженерной компьютерной графики проводили О.Арефьева, М.Х.Байбаева, Л.П.Бобрик, К.Гребенников, В.Н.Гузненков, Ж.Ж.Джанабаев, С.В.Жилич, Е.Ю.Жохова, В.В.Князиков, В.В.Корешков, А.М.Лейбов, М.Матвеева, Л.Нодельман, Л.В.Павлова, Ю.И.Притула, А.Б.Пузанкова, А.И.Сторожилов, М.Б.Таланова, Е.М.Третьякова, Л.М.Туранова, Т.В.Чемаданова, Т.В.Чернякова и др.

Проблемам проектирования учебного содержания инженерной компьютерной графики, разработки инновационной технологии реализации обучения посвящены научные работы Z.Zuo, H.A.Gerbekov, F.Liarokapis, V.Neda, T.J.Sexton, S.A.Sorby, H.Stachel и др. ученых зарубежных стран.

